



Тижорат банкларининг иқтисодиётдаги ўрни

(6-бетда ўқинг).

Аудит натижалари: «Универсалбанк» ХАТБ,
«KDB Bank O'zbekiston» АЖ, «Saderat-Iran»нинг
Тошкентдаги шўъба банки.....2,3,5

**Банк экспортчи
корхоналарга кўмакдош.....4**

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 16 (987), 2015 йил 16 апрель

www.banknews.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси тўғрисида ахборот

Тошкентда 10 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қўшма мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди. У 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислон Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлигини қайд этди. Марказий сайлов комиссияси раиси залда ҳозир бўлганлар ва сайловчилар номидан Ислон Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани билан самимий табриклади ва Ислон Каримовга Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини топширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 92-моддасига мувофиқ Президент Ислон Каримов қасамёд қилди: «Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига қафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Шундан сўнг раислик қилувчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисини ёпик, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқимиз давлатимиз сиёсатини, иқтисодий-ижтимоий ислохотларни кенг қўллаб-қувватлашини яна бир бор намоён этди. Сайловчилар ушбу муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги, Ватанимизнинг буюк келажаги учун овоз берди.

Ў.А.

Халқ банкининг капитали оширилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг 2015-2017 йилларда Давлат-тижорат Халқ банкининг устав капиталини 185 млрд. сўмга ошириш ва унинг умумий ҳажмини 385 млрд. сўмга етказиш тўғрисидаги таклифи мамлакатимиз раҳбарининг шу йил 25 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлаштириш даражасини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланди.

Мазкур ҳужжат Халқ банкининг капиталлаштириш даражасини янада ошириш, умумқабул қилинган халқаро норма ва стандартларга мослаштириш ҳамда аҳоли омонатларининг ишончли ва қафолатли ҳимоясини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Банк акциялари амалдаги акциядорларнинг улушига мутаносиб равишда – Молия вазирлиги (51 фоиз) ва Марказий банк (49 фоиз) ўртасида тақсимланади.

Банкнинг ўз фойдасини капиталлаштириш, тақдим этиладиган солиқ имтиёзлари, бўш қоладиган маблағларни мақсадли йўналтириш орқали Молия вазирлигининг улушини шакллантириш, қисман давлат бюджети, шунингдек, Марказий банк фойдасининг республика бюджетига йўналтириладиган бир қисми ва ўз маблағлари Халқ

банки устав капиталини қўшимча шакллантириш манбалари сифатида белгиланди.

Банк капиталини ошириш банк фаолиятида иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, кичик тадбиркорлик субъектлари ва аҳолини кредитлаш кўламини кенгайтиришга шароит яратади.

Халқ банки кўп шохобчали йирик банкларидан саналади ва республикамизнинг ҳар бир туманида ўз филиалларига эга. Жорий йилнинг 31 март ҳолатига кўра, кредит ташкилотининг чекка ва бориш қийин бўлган манзилларда 32 та мини-банки ва 1332 та қўшимча муассасаси фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги вақтда банк активлари 3063 млрд. сўм, депозит базаси 2428 млрд. сўм, кредит портфели 1652 млрд. сўмни ташкил этади.


Камол НУРИЕВ.

Замонавий кўп қаватли уйлар қурилади

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асака» ДАТБ, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ипотека-банк» АТИБ ва «Инак йўли» АИТБ томонидан ажратиладиган кредитлар ҳисобига Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмидаги Нурафшон кўчаси ва унга туташган Фаробий, Сағбон ва Қорасарой кўчаларида 15 та беш қаватли уй қурилиши молиялаштирилади.

Мазкур қурилиш ишлари Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 5 ва 27 мартдаги «Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмида мавзелар бўйича замонавий кўп қаватли уйлар қуриш тўғрисида»ги қарорлари асосида амалга оширилади.

Объектларни молиялаштириш учун ажратиладиган кредит маблағларига гаров сифатида давлатга тегишли кўчмас мулк ҳамда қурилиши тугалланмаган ушбу қурилаётган объектлар қўйилмоқда. Ушбу кўчмас мулк объектларидан банклар объект қури-



лишини молиялаштириш белгиланган тартибда фойдаланилиши мумкин. Ушбу ажратилаётган кредитлари бўйича гаров сифатида

(Давоми 5-бетда).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 14 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1897,42	1 Канада доллари	1983,41	1 Норвегия кронаси	308,57	1 евро	2739,95
1 Англия фунт стерлинги	3655,23	1 Хитой юани	402,62	1 Польша злотийси	659,27	10 Жанубий Корея вони	22,78
1 Дания кронаси	354,81	1 Кувайт динори	8279,95	1 Сингапур доллари	1827,78	10 Япония иенаси	207,73
1 БАА дирхами	681,23	1 Россия рубли	48,99	1 СДР	3429,16	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	2501,87	1 Украина гривнаси	109,34	1 Туркия лираси	949,40		
1 Миср фунти	327,90	100 Ливан фунти	166,24	1 Швеция кронаси	283,41		
1 Исландия кронаси	18,11	1 Малайзия ринггити	675,82	1 Швейцария франки	2554,23		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма курсаткичи: 1 USD ▲ 2501,87 – (2496,16) | 1 EUR ▲ 2739,95 – (2706,96) | 1 GBP ▼ 3655,23 – (3723,52) | 10 JPY ▼ 207,73 – (209,67)

AUDIT NATIJALARI

«УНИВЕРСАЛБАНК»

хусусий акциядорлик-тижорат банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎЗР МБнинг 2011 йил 20 декабрдаги 68-сонли лицензияси.
Юридик манзили: 150700, Фаргона вилояти, Қўқон ш., Шохрухобод кўчаси.

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
2014 йил 31 декабрь ҳолатига

(минг ўзбек сўмида)

Моддалар	2014 йил 31 декабрь	2013 йил 31 декабрь
АКТИВЛАР		
Нақд пуллар ва уларнинг эквивалентлари	15,569,983	16,028,012
Бошқа банклардан олинган лозим бўлган маблағлар	4,683,643	4,169,892
Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар	34,971,690	28,603,074
Сотишга мўлжалланган мавжуд инвестициялар	3,748,214	3,550,448
Асосий воситалар	13,931,697	11,499,160
Номоддий активлар	165,990	257,933
Инвестицион мол-мулклар	1,287,088	1,287,088
Фойда солиғи бўйича бўнақ		14,470
Кечиктирилган солиқ активи	367,587	152,573
Бошқа молиявий активлар	156,432	926,812
Бошқа активлар	232,932	2,297,832
ЖАМИ: АКТИВЛАР	75,115,256	68,787,294
МАЖБУРИЯТЛАР		
Бошқа банкларнинг маблағлари	1,782,743	2,236,000
Мижозларнинг маблағлари	54,333,074	47,675,845
Бошқа молиявий мажбуриятлар	224,528	270,620
Бошқа мажбуриятлар	53,093	199,845
ЖАМИ: МАЖБУРИЯТЛАР	56,393,438	50,382,310
ХУСУСИЙ КАПИТАЛ		
Устав капитали	16,875,333	16,875,333
Эмиссион даромад	72,333	72,333
Тақсимланмаган фойда	1,774,152	1,457,318
ЖАМИ: ХУСУСИЙ САРМОЯ	18,721,818	18,404,984
ЖАМИ: МАЖБУРИЯТЛАР ВА ХУСУСИЙ САРМОЯ	75,115,256	68,787,294

ФОЙДА ВА ЗАРАРЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ
2014 йил 31 декабрь ҳолатига

(минг ўзбек сўмида)

Моддалар	2014 йил 31 декабрь	2013 йил 31 декабрь
Фоизли даромадлар	5,840,159	5,002,788
Фоизли харажатлар	(2,064,574)	(2,080,987)
Фоиз ҳисобланадиган активлар бўйича соф фоизли даромад	3,775,585	2,921,801
Фоиз ҳисобланадиган активларнинг қадрсизланиши бўйича захира	(1,274,939)	(224,494)
Кредит портфели қадрсизланиши бўйича захира чегирилгандан кейинги соф фоизли даромад	2,500,646	2,697,307
Воситачилик даромадлари	5,762,055	4,381,930
Воситачилик харажатлари	(754,109)	(725,669)
Хорижий валютадаги операциялар бўйича даромад	-	-
Хорижий валюталарни қайта баҳолашдан олинган даромад	(11,103)	79,471
Сотувга мўлжалланган инвестицион қимматли қозғаларнинг қадрсизланиши	(45,362)	(97,101)
Сотувга мўлжалланган инвестицион қимматли қозғаларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарар	-	(241,411)
Бошқа операция даромадлари	584,359	443,851
Соф фоизсиз даромад	5,535,840	3,841,071
Операция даромадлари	8,036,486	6,538,378
Операция харажатлари	(7,100,442)	(5,801,503)
Фойда солиғи тўлангунга қадар соф фойда	936,044	736,875
Фойда солиғини баҳолаш	(229,898)	(180,713)
Йил якуни бўйича соф фойда	706,146	556,162

САРМОЯДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ 2014 йил 31 декабрь ҳолатига

(минг ўзбек сўмида)

Моддалар	Устав сармояс	Захиравий сармоя	Тақсимланмаган фойда	Жами
2012 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ	14,275,333	19,500	901,156	15,195,989
Муомалага чиқарилган акциялар	2,600,000	52,833	-	2,652,833
Йил давомида олинган ялпи фойда	-	-	556,162	556,162
2013 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ	16,875,333	72,333	1,457,318	18,404,984
Эълон қилинган дивидендлар	-	-	(389,312)	(389,312)
Йил давомида олинган ялпи фойда	-	-	706,146	706,146
2014 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқ	16,875,333	72,333	1,774,152	18,721,818

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «Делойт ва Туш» МЧЖ аудиторлик компанияси (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 8 февралдаги АФ № 00500-сонли лицензияси) томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган.

Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2014 йил 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботларининг тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ
ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ
2014 йил 31 декабрь ҳолатига

(минг ўзбек сўмида)

Моддалар	2014 йил 31 декабрь	2013 йил 31 декабрь
Операцион фаолият бўйича пул маблағлари		
Олинган фоизлар	5,527,533	4,681,238
Тўланган фоизлар	(2,073,984)	(2,030,449)
Воситачилик ва хизмат ҳақи тарзида олинган маблағлар	5,695,997	4,429,231
Воситачилик ва хизмат ҳақи тарзида тўланган маблағлар	(754,109)	(725,669)
Бошқа операция даромадлар	307,248	115,163
Ходимларни сақлаш учун тўланган харажатлар	(2,728,307)	(2,202,962)
Маъмурий ва бошқа операция харажатлар учун тўловлар	(3,679,082)	(2,967,855)
Тўланган даромад солиғи	(436,873)	(271,890)
Операцион актив ва мажбуриятлардаги ўзгаришлардан аввал операция фаолиятдан олинган пул маблағлари	1,858,423	1,026,807
Бошқа банклардаги маблағлар бўйича соф камайиш/ўсиш	(519,915)	(1,195,460)
Берилган кредитлар ва аванслар бўйича соф ўсиш/камайиш	(7,324,765)	(5,942,702)
Бошқа молиявий активларнинг соф ўсиши/камайиши	800,000	123,558
Бошқа активларнинг соф ўсиши/камайиши	1,458,103	(1,769,717)
Бошқа банклардаги маблағлар бўйича соф ўсиш	(453,257)	(1,664,216)
Мижозларнинг пул маблағлари бўйича соф камайиш/ўсиш	6,655,536	18,686,748
Бошқа молиявий активлар бўйича соф ўсиш	-	(361,797)
Бошқа мажбуриятлар бўйича соф камайиш/ўсиш	(37,642)	30,032
Операцион фаолиятдан олинган (фойдаланилган) соф пул маблағлари	2,436,483	8,933,253
Инвестицион фаолият бўйича пул маблағлари		
Сотувга мўлжалланган инвестицион қимматли қозғаларни сотишдан тушум	-	53,101
Асосий воситалар ва номоддий активларни сотиб олиш	(2,681,202)	(5,197,266)
Асосий воситаларни сотишдан тушум	61,921	349,624
Кўчмас мулкка қилинган инвестицияларни сотишдан тушум	-	741,449
Олинган дивидендлар	114,081	328,277
Инвестицион фаолиятда фойдаланилган соф пул маблағлари	(2,505,200)	(3,724,815)
Молиявий фаолият бўйича пул маблағлари		
Оддий акцияларни муомалага чиқариш	-	2,652,833
Тўланган дивидендлар	(389,312)	-
Молиявий фаолият бўйича олинган соф пул маблағлари	(389,312)	2,652,833
Валюта курсидаги ўзгаришларнинг пул маблағлари ва улар эквивалентларига таъсири		7,947
Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф кўпайиши/камайиши	(458,029)	7,869,218
Йил бошидаги пул маблағлари ва улар эквивалентлари	16,028,012	8,158,794
Йил охиридаги пул маблағлари ва улар эквивалентлари	15,569,983	16,028,012

AUDIT NATIJALARI

«KDB Bank O'zbekiston» акциядорлик жамияти

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2014 йил 13 декабрдаги 5-рақамли лицензияси.
Юридик манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тум., Ойбек кўчаси, 32-уй.

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг ўзбек сўмида)

Моддалар	2014 йил 31 декабрь	2013 йил 31 декабрь
АКТИВЛАР		
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	1 398 034 178	1 298 602 739
Бошқа банклардаги маблағлар	561 444 795	372 293 924
Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар	108 196 310	79 869 332
Олдиндан тўланган жорий даромад солиғи	338 374	262 649
Узайтирилган солиқ активлари	1 254 023	417 381
Асосий воситалар	23 925 060	8 044 474
Номоддий активлар	9 093 545	7 813 324
Бошқа активлар	9 400 719	9 172 054
ЖАМИ АКТИВЛАР	2 111 687 004	1 776 475 877
МАЖБУРИЯТЛАР		
Бошқа банкларнинг маблағлари	35 112 207	26 741 635
Мижозлар маблағлари	1 880 117 567	1 584 332 465
Бошқа мажбуриятлар	3 803 528	1 567 926
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР	1 919 033 302	1 612 642 026
КАПИТАЛ		
Устав капитали	40 444 206	40 444 206
Тақсимланмаган фойда	152 209 496	123 389 645
ЖАМИ КАПИТАЛ	192 653 702	163 833 851
ЖАМИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ	2 111 687 004	1 776 475 877

ФОЙДА ЁКИ ЗАРАР ВА БОШҚА УМУМИЙ ДАРОМАД
ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг ўзбек сўмида)

Моддалар	2014 йил 31 декабрь	2013 йил 31 декабрь
Фоиз даромадлари	30 032 326	21 604 664
Фоиз харажатлари	(909 478)	(2 793 360)
Соф фоиз даромадлари	29 122 848	18 811 304
Кредит портфелининг қадрсизланиши бўйича захира	(728 980)	(130 542)
Кредит портфелининг қадрсизланиши бўйича захира ташкил этилганидан кейинги соф фоиз даромади	28 393 868	18 680 762
Воситачилик даромадлари	40 528 324	33 735 159
Воситачилик харажатлари	(4 477 241)	(4 516 634)
Хорижий валютани қайта баҳолаш бўйича сарфланган харажатлардан ташқари соф даромад	8 727 195	8 683 541
Хорижий валютадаги операция харажатлардан ташқари соф даромад	2 733 218	2 750 374
Сотиш учун мавжуд инвестициялар бўйича сарфланган харажатдан ташқари соф даромад, фойда ҳисобига киритилгани	-	3 983 888
Бошқа операция даромадлар	552 761	275 253
Маъмурий ва бошқа операция харажатлар	(32 382 402)	(23 255 713)
Солиқ ундирилгангача фойда	44 075 723	40 336 630
Фойдадан ундирилган солиқ харажатлари	(8 078 372)	(7 571 947)
ҲИСОБОТ ДАВРИДАГИ ФОЙДА	35 997 351	32 764 683
Бошқа умумий даромад:		
Кейинчалик фойда ёки зарар сифатида қайта таснифланган моддалар:		
Сотиш учун мавжуд инвестициялар:		
- йил давомидаги харажатлардан ташқари даромадлар	-	1 356 774
- харажатлардан ташқари даромадлар, фойда ҳисобига ўтказилганлари	-	(3 983 888)
- фойдадан олинган солиқ, бевосита бошқа умумий даромадда акс эттирилгани	-	572 711
Бошқа умумий йиллик зарар	-	(2 054 403)
ЖАМИ УМУМИЙ ЙИЛЛИК ДАРОМАД	35 997 351	30 710 280

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ 2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг ўзбек сўмида)

Моддалар	Акциядорлик капитали	Тақсимланмаган фойда	Инвестицияларни қайта баҳолаш бўйича захира, сотиш учун мавжуд бўлганлари	Жами капитал
2013 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ	25 135 910	51 378 625	2 054 403	78 568 938
Йиллик фойда	-	32 764 683	-	32 764 683
Бошқа умумий зарар	-	-	(2 054 403)	(2 054 403)
Жами умумий даромад, 2013 йилда акс эттирилгани	-	32 764 683	(2 054 403)	30 710 280
«RBS NB UZBEKISTAN» билан бирлашиш	15 308 296	39 246 337	-	54 554 633
2013 йилнинг 31 декабрь ҳолатига қолдиқ	40 444 206	123 389 645	-	163 833 851
Йиллик фойда	-	35 997 351	-	35 997 351
Бошқа умумий даромад (зарар)	-	-	-	-
Жами умумий даромад, 2014 йилда акс эттирилгани	-	35 997 351	-	35 997 351
Дивидендларни тўлаш	-	(7 177 500)	-	(7 177 500)
2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	40 444 206	152 209 496	-	192 653 702

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «PraysvoterhausKupers» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 12 февралдаги АФ № 00492-сонли лицензияси) томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2014 йилнинг 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ
ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ

2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг ўзбек сўмида)

Моддалар	2014 йил 31 декабрь	2013 йил 31 декабрь
Операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари		
Олинган фоизлар	30 286 299	20 740 211
Тўланган фоизлар	(735 597)	(2 793 360)
Олинган воситачилик ҳақлари	40 840 466	33 745 631
Тўланган воситачилик ҳақлари	(4 262 446)	(4 516 634)
Хорижий валютадаги операциялардан тушган даромадлар	2 733 218	2 750 374
Сотиш учун мавжуд инвестициялар бўйича сарфланган харажатдан ташқари соф даромад, фойда ҳисобига киритилгани	-	4 825 607
Бошқа операция олинган даромадлар	552 761	251 977
Ходимлар таъминоти учун тўланган харажатлар	(17 622 809)	(12 707 855)
Маъмурий ва бошқа операция харажатлар	(8 196 829)	(8 711 580)
Тўланган фойда солиғи	(8 990 739)	(7 921 975)
Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлардан олдинги операция фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати	34 604 324	25 662 396
<i>Соф (ўсиш)/камайиш:</i>		
- бошқа банклардаги маблағлар бўйича	(186 356 992)	(211 808 981)
- мижозларга кредит ва бўнақлар бўйича	(29 437 505)	(10 859 268)
- бошқа активлар бўйича	(281 924)	(5 295 505)
<i>Соф (ўсиш)/камайиш:</i>		
- бошқа банкларга маблағлар бўйича	8 167 255	(80 136 482)
- мижозларга маблағ бўйича	294 208 913	87 900 262
- бошқа мажбуриятлар бўйича	(8 734)	555 973
Операцион фаолиятдан олинган/(фойдаланилган) соф пул маблағлари	120 895 337	(193 981 605)
Инвестицион фаолиятдан тушган пул маблағлари		
«RBS NB UZBEKISTAN» билан бирлашиш	-	858 124 834
Асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш	(22 143 338)	(4 343 236)
Асосий воситаларнинг реализациясидан тушган тушум	900 000	32 252
Инвестицион фаолиятдан (фойдаланилган)/олинган соф пул маблағлари	(21 243 338)	853 813 850
Молиявий фаолиятдан олинган соф пул маблағлари		
Тўланган дивидендлар	(7 177 500)	-
Молиявий фаолиятда фойдаланилган соф пул маблағлари	(7 177 500)	-
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентига айирбошлаш курслари ўзгаришининг таъсири	6 956 940	8 113 091
Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф ўзгариши	99 431 439	667 945 336
Йил бошидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	1 298 602 739	630 657 403
Йил охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	1 398 034 178	1 298 602 739

BANK VA TADBIRKOR



Банк экспортчи корхоналарга кўмакдош

Республикамиз тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашда уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чоратадбирлари дастури тўғрисида»ги 4058-сонли Фармони асосан экспортчи корхоналарга 340,9 млрд. сўм миқдоридан имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Қуйида айрим тадбиркорларнинг бу борадаги фикрлари билан танишасиз.

Меҳрибон ОТАЖОНОВА,
Хоразм вилоятидаги «Урганч мастер сервис» хусусий корхонаси раҳбари:

– Юртимизда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишда тижорат банклари муҳим роль ўйнамоқда. Чунончи, корхонамиз ҳам ТИФ Миллий банки сармоялари асосида ишлаб чиқариш шарт-шароитларини яхшилаб олди. Муассаса томонидан ажратилган 184 300 АҚШ доллари миқдоридан кредит ҳисобига корхонамизга Хитойдан полиграфия дастгоҳ-

лари келтириб ўрнатилди. Дастгоҳлар ишга туширилгач, корхонамиз ишчилари сони 25 нафарга етди, икки йил давомида 2 млрд. сўмдан ортиқ полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқаришга эришдик.

Шунингдек, ТИФ Миллий банки кейинчалик ҳам корхонамизнинг ишлаб чиқариш фаолиятини янада ривожлантириш мақсадидаги лойиҳамизни қўллаб-қувватлаб, Урганч бўлими орқали Хитой

Давлат тараққиёт банкнинг кредит линияси ҳисобидан 502 775 АҚШ доллари миқдоридан кредит ажратди. Ушбу маблағ ҳисобига гофралинияларни сотиб олиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотлар турини бирмунча кўпайтирдик, маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналар билан ҳамкорлик ўрнатиб, улар етиштираётган озиқ-овқат маҳсулотларини қадоқлашни йўлга қўйдик. Ҳозирда ушбу маҳсулотларимиз экспортга йўналтирилмоқда. Бунинг учун ТИФ Миллий банкдан миннатдоримиз.

Сухроб НАСРИДДИНОВ,
Самарқанд вилоятидаги «Зарафшон текстиль» МЧЖ раҳбари:

– Корхонамизда 90 нафар ишчи томонидан тўқимачилик ва трикотаж хомашёлари ишлаб чиқарилади. Модернизациялаш ишларини олиб бориш мақсадида ТИФ Миллий банкдан 7,9 млрд. сўм миқдоридан кредит олдик. Натижада 2014 йил давомида 9,6 млрд. сўмлик трикотаж ва тикув маҳсулотларини ишлаб чиқардик, шундан 3,2 млн. АҚШ долларлик маҳсулотларимиз Россия давлатига экспорт қилинди.

Фахриддин ЭСАНОВ,
Қашқадарё вилоятидаги «Agro-Vostok» МЧЖ раҳбари:

– Республикамизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини кучайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Тижорат банклари томонидан ҳам тадбиркорликнинг ушбу йўналишини молиялаштиришда қулай шароитлар яратилмоқда. Жумладан, биз ҳам 2011 йилда озиқ-овқат бозори учун консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Маҳсулотларимиз қисқа вақт ичида

ўз харидорларини топди. Шу боис, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш мақсадида шу йилнинг ўзида ТИФ Миллий банкнинг Қашқадарё вилояти бўлимида 1,16 млрд. сўм миқдоридан (3 йил муддатга) кредит олдик. Режаларимиз тез орада самара бергани сабабли банк қарзини муддатидан олдин тўлашга эришдик. 2015 йилда музлатгич омборхонасини қуриш мақсадида тақдим этган лойиҳамизни банк маъмурияти ўз вақтида ижобий ҳал қилиб, бизга яна 1,5 млрд. сўм миқдоридан кредит ажратди. Натижада бизнес режаларимиз амалга татбиқ этилиб, ишларимиз анчайин илгарилари.

Валибой ФАЙЗИЕВ,
Навоий вилоятидаги «Triumf gornyak» МЧЖ раҳбари:

– Бугунги кунда республикамизнинг барча ҳудудларида бунёдкорлик ишлари авж олгани боис қурилиш хомашёси ва материалларига бўлган талаб тора ортмоқда. Шунинг

учун корхонамиз фаолиятини кенгайтириш мақсадида ТИФ Миллий банкнинг Навоий вилояти бўлимида 250,0 млн. сўм миқдоридан кредит олдик. Банк сармояси ҳисобига корхо-

намизнинг айланма маблағи шакллантирилди, кўшимча иш ўрни яратилди 2014 йилда маҳаллий истеъмол бозори учун 3,02 млрд. сўмлик маҳсулот етказиб бердик, 220,0 минг АҚШ доллари миқдоридан қурилиш молларини экспортга йўналтирдик.

Юлдуз ЗОКИРОВА тайёрлади.

Кичик бизнесни ривожлантириш йўлида

«Микрокредитбанк» сармоялари – тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!» шиори остидаги семинар-учрашувларнинг минтақалар бўйлаб ўтказилиши давом этмоқда. Хусусан, ушбу номдаги тадбир яқинда Сирдарё вилоятининг Боёвут ва Сирдарё туманларида бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамкорлигида тузилган қўшма қарорга мувофиқ ташкил

қилишди. Хусусан, унда ушбу банк томонидан ажратилган микрокредитлар республика бўйича энг кам (йиллик 3) фоизни ташкил этиши, бунда касб-хунар коллежлари битирувчилари учун алоҳида имтиёзлар берилиши қайд

этилди.

Таъкидлаш жоиз, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида «Микрокредитбанк» АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилган жами микросармоялар ҳажми қарийб 30 млрд. сўмни ташкил қилди. Шундан, касб-хунар



этилиб, унда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш жойлари ташкил этиш, аҳолининг кенг қатлами, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчилари ва хотин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишларини янада кенгайтириш мақсади кўзда тутилган.

Бугунги кунда «Микрокредитбанк» АТБ мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ихтисослашган етакчи микромолиявий ташкилотлардан бири ҳисобланади. Муассаса ўз фаолиятининг дастлабки даврдан бошлаб, юртимизнинг олис туман ва қишлоқларидаги ёшлар ва хотин-қизларни

колежларини битирган 190 нафар ёшларга 1 млрд. сўмдан зиёд, хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун 308 нафар тадбиркор аёлга 13 млрд. сўм миқдоридан кредит маблағлари йўналтирилди. Шунингдек, банкнинг Сирдарё вило-

«Микрокредитбанк» АТБ томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ажратилган жами микросармоялар ҳажми қарийб 30 млрд. сўмни ташкил қилди.

яти филиали томонидан эса, соҳага ажратилган жами микросармоялар ҳажми 1,6 млрд. сўмни, яратилган иш ўринлари 402 тани ташкил этди.

Семинар ўзаро мулоқот тарзида ўтказилиб, унда халқимиз турмуш шароитини янада яхшилаш, жойларда-



соҳага кенг жалб қилиш ҳамда уларнинг бу борадаги билим ҳамда малакаларини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда аҳоли иштирокида ўтказилган мазкур семинарда ҳам банк мутасаддилари бугунги кунда мазкур муассасада амалда бўлган имтиёзли микромолиявий хизматларнинг шарт-шароитлари хусусида тақдимотли чиқиш

ги мавжуд муаммо ва камчиликларни баҳамжиҳатликда ҳал қилиш, бу борада яратилган шарт-шароит ва имтиёзлар, аёллар ва ёшлар тадбиркорлиги, оилавий бизнесни ривожлантириш хусусида батафсил маълумотлар берилди. 20 нафар коллеж битирувчиси ҳамда 20 нафар тадбиркор аёлга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Наргиз АХМЕДОВА.

AUDIT NATIJALARI

«SADERAT-IRAN»нинг Тошкентдаги шўъба банки

Рўйхатга олиш рақами: ЎзР МБнинг 2004 йил 25 сентябрдаги 2-D-сонли лицензияси.

Юридик манзил: 100060, Тошкент ш., Чехов кўчаси, 10.

МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра

(минг ўзбек сўмида)

Моддалар	2014 йил 31 декабрь	2013 йил 31 декабрь
Активлар		
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	15,465,163	25,186,131
Бошқа банклардаги маблағлар	68,517,060	41,034,189
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги мажбурий захиралар	1,111,395	1,210,996
Мижозларга берилган кредитлар	755,093	314,664
Қарамондаги ҳужалик юритувчи жамиятларга инвестициялар	40,000	40,000
Асосий воситалар ва номоддий активлар	639,859	824,841
Бошқа активлар	10,161	4,819
Жами активлар	86,538,731	68,615,640
Мажбуриятлар		
Бошқа банклардаги маблағлар	13,405,487	11,366,684
Мижозлар маблағлари	8,322,656	8,003,398
Ўзайтирилган солиқ мажбуриятлари	14,665	5,363
Бошқа мажбуриятлар	60,679	1,098,186
Жами мажбуриятлар	21,803,487	20,473,631
Капитал		
Устав капитали	36,621,647	26,378,792
Захира капитали ва фондлар	26,552,305	21,083,136
Тўпланган умумий даромад	1,561,292	680,081
ЖАМИ капитал	64,735,244	48,142,009
ЖАМИ мажбуриятлар ва капитал	86,538,731	68,615,640

УМУМИЙ ДАРОМАД ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
31 декабрда яқунланган 2014 йил учун

(минг ўзбек сўмида)

Моддалар	2014 йил 31 декабрь	2013 йил 31 декабрь
Фоиш даромадлари	2,253,284	1,623,604
Фоиш харажатлари	(15,444)	(13,899)
Соф фоиш даромадлари	2,237,840	1,609,705
Кредитларнинг қадрсизланиши бўйича захира	(5,821)	(2,684)
Захирани баҳолаш чегириб ташланганидан кейинги соф фоишли даромад	2,232,019	1,607,021
Воситачилик даромадлари	172,524	186,547
Воситачилик харажатлари	(38,783)	(10,182)
Хорижий валютадаги операциялар бўйича сарфланган харажатлардан ташқари соф даромад	257,334	357,767
Бошқа даромадлар	314,317	10,869
Бошқа харажатлар	-	(365)
Фоиш соф даромад	705,392	544,636
Операцион харажатлар	(1,343,490)	(1,450,747)
Солиқ ундирилгангача фойда	1,593,921	700,910
Фойдадан ундирилган солиқ харажатлари	(346,324)	(159,077)
Ҳисобот давридаги соф фойда	1,247,597	541,833
Ҳисобот давридаги жами умумий даромад	1,247,597	541,833

ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ
31 декабрда яқунланган 2014 йил учун

(минг ўзбек сўмида)

Моддалар	2014 йил 31 декабрь	2013 йил 31 декабрь
Операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати		
Олинган фоишлар	1,858,531	1,276,434
Тўланган фоишлар	(15,444)	(13,899)
Олинган воситачилик ҳақлари	172,613	185,943
Тўланган воситачилик ҳақлари	(38,783)	(10,182)
Бошқа фоишсиз даромадлар	314,317	10,504
Тўланган операцион харажатлар	(1,272,315)	(1,341,765)
Тўланган даромад солиғи	(364,236)	(107,634)
Операцион активлар ва мажбуриятлардаги ўзгаришлардан олдинги операцион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати	654,683	(599)
Операцион активлардаги соф (кўпайиш)/камайиши		
Бошқа банклардаги маблағлар	(27,482,871)	(4,754,825)
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисобидagi мажбурий захира	99,601	8,264
Мижозларга кредит	(434,608)	(145,348)
Бошқа активлар	(5,342)	91,330
Операцион мажбуриятларнинг соф кўпайиши/(камайиши)		
Бошқа банкларнинг маблағлари	2,038,803	1,565,889
Мижозларнинг маблағлари	319,258	(780,121)
Бошқа мажбуриятлар	(1,037,507)	(38,336)
Операцион фаолиятдан тушган соф пул маблағлари ҳаракати	(25,847,983)	(4,053,746)
Инвестицион фаолиятдан олинган пул маблағлари ҳаракати		
Асосий воситаларни харид қилиш	(19,052)	(11,158)
Асосий воситаларнинг реализациясидан тушган тушум	351,818	-
Инвестицион фаолиятдан тушган соф пул маблағлари ҳаракати	332,766	(11,158)
Молиявий фаолиятдан тушган пул маблағлари ҳаракати		
Хусусий капиталнинг кўпайиши натижасидаги кирим	10,242,855	4,519,460
Молиявий фаолиятдан олинган соф пул маблағлари ҳаракати	10,242,855	4,519,460
Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентига айирбошлаш курслари ўзгаришининг таъсири	5,551,394	2,702,411
Пул маблағлари ва улар эквивалентларининг соф ўзгариши	(9,720,968)	3,156,967
Йил бошидаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	25,186,131	22,029,164
Йил охиридаги пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	15,465,163	25,186,131

КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ
31 декабрда яқунланган 2014 йил учун

(минг ўзбек сўмида)

Моддалар	Устав капитали	Захира капитали ва фондлар	Тақсимланмаган фойда	Жами капитал
2013 йил 1 январь ҳолатига қолдиқ	21,859,332	16,569,473	283,707	38,712,512
Устав капиталининг кўпайиши	4,519,460	-	-	4,519,460
Девальвация учун захира	-	4,427,540	-	4,427,540
Умумий вазифали захира фонди учун ушлаб қолинганлари	-	87,261	(87,261)	-
2012 йил натижалари бўйича ходимлар учун ажратилган мукофотга оид тўловлар	-	-	(63,628)	(63,628)
Бошқалар	-	(1,138)	5,430	4,292
Умумий йиллик даромад	-	-	541,833	541,833
2013 йилнинг 31 декабрь ҳолатига қолдиқ	26,378,792	21,083,136	680,081	48,142,009
Устав капиталининг кўпайиши	10,242,855	-	-	10,242,855
Тўланган дивидендлар	-	-	(105,005)	(105,005)
Девальвация учун захира	-	5,282,145	-	5,282,145
Имтиёзли кредитлар фондини шакллантириш	-	35,000	(35,000)	-
Умумий вазифали захира фонди учун ушлаб қолинганлари	-	161,807	(161,807)	-
2013 йил натижалари бўйича ходимлар учун ажратилган мукофотга оид тўловлар	-	-	(64,940)	(64,940)
Бошқалар	-	(9,417)	-	(9,417)
Умумий йиллик даромад	-	-	1,247,597	1,247,597
2014 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра қолдиқ	36,621,647	26,552,671	1,560,926	64,735,244

Молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги «GRANT THORNTON» МЧЖ аудиторлик ташкилоти (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 13 февралдаги АФ 00064-сонли лицензияси, ЎзР МБ №7 2011 йил 18 майдаги сертификати) томонидан тасдиқланган ва барча муҳим жиҳатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари-га мувофиқ тайёрланган. Юқорида келтирилган маълумотлар тўғрисидаги ахборот банкнинг 2014 йилнинг 31 декабрь ҳолати бўйича ҳисоботи тўғрилиги ҳақидаги аудиторлик хулосасида бор.

Хизматлар лицензияланган.

Замонавий кўп қаватли уйлар қурилади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юқорида номлари саналган банклар томонидан бош пудрат ташкилотлари – «Toshkent uy-joy qurilish» ДУК, «Evrostroy Plus» ва «Dizayn-Taraqquyot» ХК, «Юксак парвоз қурилиш», «Бинокор», «Poytaxtqurilish», «Уй-жой қурилиш», «MDF Formation», «BITI production», «Кўркем қурилиш», «Ankur» масъулияти чекланган жамиятлар ва «Dizayn-Taraqquyot» хусусий корхонасига объектлар қурилиши учун Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда объект қийматининг 90 фоизигача кредит маблағлари ажратилади.

Бунда тақдим этилаётган кредитлар мазкур объектларни барпо этиш муддати-га ажратилиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги

томонидан янги қуриладиган турар жой хонадонларига кўчиб кирадиган оила-лар аниқ шаклланган рўйхати, шунингдек, барча зарур ҳужжатлар банкларга киритилгандан сўнг узоқ муддатли ипотека кредитларига қайта расмийлаштириши белгиланган.

Янги турар жой бинолари атрофида «ТошуйжойЛИТИ» АЖ томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида кўкламзор ва болалар спорт майдончалари барпо этилади.

Қарорда айтилишича, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзтрансгаз», «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниялари ва коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан объектларнинг ташқи муҳандислик тармоқлари (электр, газ, телефон, ичим-

лик сув, оқова тармоқлари ва бошқалар) бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва қурилиши ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Бундан ташқари, қарор билан Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмидаги Нурафшон, Беруний, Зарқайнар, Сағбон, Сақичмон кўчалари ва Себзор массиви чегараларида яқка тартибда янги уй-жойлар, иморатлар ва иншоотлар ёки бошқа кўчмас мулк қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ишларини олиб бориш тақиқлаб қўйилди.

«Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзқурилиш-материаллари» АЖ объектлар қурилиши учун лойиҳа ташкилоти ва буортмачилар томонидан тақдим этилган асослан-

ган ҳисоб-китоблар бўйича бош пудратчи ташкилотларга цемент, металл прокати ва қурилиш ойнаси материалларини тартиб-га солинадиган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар асосида ажратиб боради.

Мазкур турар жой бинолари Президентимизнинг «2015 йилда Тошкент шаҳрининг эски шаҳар қисмида замонавий шинам турар жой фонди ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Тошкент шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, унинг эски шаҳар қисмида замонавий, шаҳарсозлик талаблари асосида қулай уй-жойлар қуриш ҳамда ҳудуднинг меъморий қиёфасини ва ижтимоий-маданий ҳолатини тубдан яхшилаш ва аҳоли яшashi учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида барпо этилмоқда.

Камол НУРИЕВ.

KREDITLAR SAMARASI

Тижорат банкларининг иқтисодиётдаги ўрни



Абдулазиз БЕКМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкининг
Банк тизимида
методология ишларини
мувофиқлаштириш бошқармаси
бош мутахассиси.

Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизимида олиб борилаётган изчил ва мақсадли ислохотлар банклар фаолиятида муҳим сифат ўзгаришларига эришиш, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ҳажмини кенгайтириш ҳамда банк ва молия хизматларини кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш имконини берди. Иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ҳажми юқори суръатда давом эттирилиши натижасида 2014 йил мобайнида иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 31,2 фоиз кўпайиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 34,8 трлн. сўмдан ортди, узок муддатли кредитлар эса 1,2 баробар зиёдга ошиб, 8,5 трлн. сўмни ташкил этди. 2009-2014 йиллардаги ўзгариш суръатлари кўриб чиқилса, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашнинг йиллик ўсиш суръати ўртача 30 фоизни, иқтисодиётнинг алоҳида йўналишлари ва соҳаларида ундан ҳам кўпроқни ташкил қилганлигини кузатиш мумкин. Жумладан,



мазкур даврда инвестицион кредитларнинг йиллик ўртача ўсиш суръати 33 фоизни, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига ажратилган кредитларнинг ўсиш суръати 39 фоизни, шунингдек, микрокредитларнинг ўсиш суръати 46 фоизни ташкил этди. Ушбу йилларда иқтисодиётнинг реал секторини кредитлашнинг ўсиш даражаси ялпи ички маҳсулотнинг номинал ўсиш суръатидан сезиларли охиб бораётганида, иқтисодиётнинг жадал ривожланишида банк тизими алоҳида аҳамият касб этаётганидан далолатдир.

Энг асосийси, республикамиз тижорат банкларининг кредит портфели ва умумий активларининг юқори ўсиш суръатлари асосан ички захираларни ва манбаларни янада кўпроқ жалб қилиш эвазига амалга оширилмоқда. Мазкур сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида ички манбалар ҳисобидан ажратилган кредитларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги улуши охириги 5 йил давомида 4,2 баробарга ошиб, ҳозирги кунда 86 фоизни ташкил этмоқда.

Тижорат банклари кредит сиёсатини ишлаб чиқишда асосий эътиборни ҳукуватимиз томонидан ишлаб чиқилаётган Давлат дастурларига асосланган иқтисодиётнинг реал секторига (тадбиркорлик ва хусусий бизнес), аҳолини ижтимоий ҳимоялашга (истеъмол, ипотека, таълим кредитлари ва бошқалар) қаратил-

ган кредитлар ажратишга, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг тадбиркорлик соҳасидаги мавқеини оширишга, иқтисодиётнинг реал секторига ёш тадбиркорларни кенгроқ жалб қилишга (касб-хунар коллежлари битирувчиларига кредитлар ажратиш), аҳоли бандлигини оширишга қаратилган ва банкнинг кредитлаш фаолиятидаги йиллик истиқболли режаларини амалга оширишни белгилаб берувчи ички ҳужжати бўлиб ҳисобланади.

Бу борада банклар томонидан 2014 йил учун устувор вазифа қилиб белгиланган санатда юқори технологияли ва замонавий бўлган энг муҳим объектлар ҳамда қувватларни ишга тушириш, мамлакатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизациялашга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, ҳисобот йилида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 31,2 фоиз кўпайиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 34,8 трлн. сўмдан ортди (1-диаграмма).

Банкларнинг инвестиция мақсадларига ажратилган кредитлари миқдори ҳам 2013 йилга нисбатан 1,2 баробардан зиёдга ошиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 8,5 трлн. сўмни ташкил қилди.

Банк тизими томонидан кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш ва тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик бериш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада соҳа субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,3 баробарга ўсиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига 9,2 трлн. сўмдан ортиқ бўлди (2-диаграмма).



Жумладан, микрокредитлар ҳажми 1,9 трлн. сўмдан ошиб, бу кўрсаткич ҳам 2013 йилга нисбатан 1,4 баробар ўсиши таъминланди. Тижорат банклари томонидан аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кредитлари миқдори 2013 йилга нисбатан 1,4 баробар ошиши таъ-


минланди ва 960,2 млрд. сўмдан зиёд бўлди.

Шунингдек, банклар ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам жиддий эътибор бериб келмоқда. Хусусан, 2015 йилнинг 1 январьда мазкур йўналишга 200,9 млрд. сўм миқдоридан кредитлар ажратилиб, мазкур кўрсаткич ҳам 2013 йилга нисбатан қарийб 1,4 баробар ўсди (3-диаграмма).

Яна шуни айтиш жоизки, мамлакатимиз иқтисодиётида олиб борилаётган ислохотлар, жумладан, реал секторни молиявий қўллаб-қувватлаш, инвестицион муҳитни шакллантириш, шунингдек, янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича лойиҳаларни молиялаштиришда



банкларнинг иштирокини янада кенгайтириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.



Бу борада ҳукуватимиз томонидан иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларни соғломлаштириш ва тўла қувватда фаолият кўрсатишини таъминлаш юзасидан қабул қилинган «Йўл хариталари» дастурлари ижросини таъминлашда тижорат банкларининг иштироки катта бўлмоқда.

Жумладан, ушбу дастурларга киритилган 22 та зарар кўриб ишлаётган корхонанинг барқарор фаолиятини тиклаш мақсадида тижорат банклари томонидан 453,3 млрд. сўм миқдоридан кредитлар ва инвестициялар йўналтирилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда мазкур корхоналарда 2 трлн. 522 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 173,0 млрд. сўм фойда олинди. Бу эса «Йўл хариталари» дастурларида белгиланган йиллик режа 5,7 баробар ортиги билан бажарилди, дегадир. Энг муҳими, ушбу корхоналарда 1 614 та янги иш ўрни яратилиши баробарида, 80,1 млн. АҚШ долларилик маҳсулотлар экспорт қилин-



ди. Бошқача қилиб айтганда, бугунги кунда «Йўл хариталари» дастурларига киритилган барча корхоналарнинг фаолияти тўлиқ тикланди.

2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банклари томонидан 8,5 трлн. сўм ёки 2013 йилга нисбатан 1,2 баробардан кўп инвестицион кредитлар ажратилди (4-диаграмма).

Инвестициялардан акциядорларга юқори даромад келишини таъминлаш, банкнинг ликвидликни сақлаб туриш, таваккалчиликни диверсификация қилиш, юритилаётган сиёсат ва олиб борилаётган тадбирлар бирлигини кафолатлаш, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш, ҳудуднинг кредитларга бўлган эҳтиёжини қондириш асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамиз тижорат банкларининг жамаи активлари ва кредит портфелининг юқори суръатларда ўсиши асосан ички захиралар ва манбаларни янада кенгроқ жалб этиш ҳисобига таъминланмоқда. Ички манбалар ҳисобидан ажратилган кредитларнинг улуши охириги 5 йилда 4,2 баробарга ошган бўлса, бугунги кунда уларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги улуши 86 фоизни ташкил этмоқда.

Хусусан, тижорат банкларининг жамаи активлари ҳажми 2014 йилда 2013 йилга нисбатан 28,2 фоизга ошиб, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 56,2 трлн. сўмга етди.

Шу билан бирга, кредит қўйилmalarини тижорат банклари мисолида кўрайдиган бўлсак, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг кредит қўйилmalarи 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, 8,004 трлн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 17,8 фоизга, Давлат-тижорат Халқ банкининг кредит қўйилmalarи 2015 йил 1 январь ҳолатига 1,615 трлн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 13,5 фоизга, «Асака» банкнинг кредит қўйилmalarи 2015 йил 1 январь ҳолатига 2,755 трлн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 12,8 фоизга, «Ипотека-банк» АТИБнинг кредит қўйилmalarи 2,490 трлн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,9 фоизга ўсганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Шундай қилиб, бугунги замонавий тижорат банклари кредит сиёсатининг ажралиб туривчи хусусияти, нафақат аниқ бир иқтисодий секторни кредитлаш орқали уларни қўллаб-қувватлаш ҳажмини ўстиришга ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга, уларнинг турмуш даражасини оширишга (ипотека, истеъмол, таълим кредитлари ва бошқа кредитлар) қаратилган мақсадларни, балки кредитлаш жараёни сифатини ва самардорлигини ошириш, кредит операциялари мониторинги ва ҳисобини автоматлаштириш ҳамда уларда замонавий технологик воситаларини қўллашни ривожлантиришда ўз ифодасини топган.

BANDLIK

Қишлоқдаги кичик корхоналар

Жиззах вилоятида ўтган йили ялпи худудий маҳсулот таркибида кичик бизнеснинг улуши 79,9 фоизни ташкил этди. Вилоятдаги 8 минг 700 дан зиёд кичик бизнес субъектининг 60 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда фаолият кўрсатмоқда. Бу аҳоли фаровонлигини ошириш ва янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлаётир.

Зарбдор туманидаги «Омондарё тўлкини» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган макарон ва нон маҳсулотлари юқори сифати билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Банк кредити ҳисобидан замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхона савдо тармоқларидан ташқари тумандаги 12 мактабгача таълим муассасасини макарон ва нон маҳсулотлари билан таъминлайди.

Аҳоли эҳтиёжи ва бозор талабларини ҳисобга олган корхона жамоаси маҳсулот турини кўпайтириш, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш бўйича амалга ошираётган ишлари самарасида ўтган йили ХРО-500 русумли нон пишириш печи ўрнатиб, ишлаб чи-

қариш қувватини янада оширди.

– Давлатимиз томонидан яратиб берилган имконият ва имтиёزلардан фойдаланиб, янги лойиҳани амалга оширмоқдамиз, – дейди **корхона раҳбари Раҳмонқул Султонов**. – Янги лойиҳа маҳсулот сифатини янада ошириш ва ўндан зиёд янги иш ўрни яратиш имконини берди.

Туманда замонавий, ихчам технологиялар билан жиҳозланган корхоналар сони ортиб бораётгани аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этаётир. Ўтган йили туманда ташкил этилган юздан ортиқ тадбиркорлик субъектида 500 га яқин киши доимий иш билан таъминланди.

Кичик лойиҳаларнинг салмоқли фойдаси

Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва кўпайиб янги иш ўринлари яратишда муҳим омил бўлмоқда.

Жорий йилда Элликқалъа туманида умумий қиймати 25 млрд. сўмлик 336 лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида 2 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади.

Ёдгор Аминов паррандачиликни ривожлантириш мақсадида «Сарабий парранда» фермер хўжалигини ташкил этди ва 10 кишини доимий иш билан таъминлади.

– Банкдан олинган

имтиёзли кредит эвазига 5 минг бош жўжа харид қилдик, – дейди **ёш фермер Ё.Аминов**. – Йилига 60 тонна парҳез парранда гўшти етиштиришга ихтисослашган хўжалигимизнинг дастлабки маҳсулоти буюртмачиларга етказиб берилди.

Тумандаги «Қилчиноқ» овул фуқаролар йиғинида «Амирбек-Ферузбек» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

– Асосан алюминий ва

пластмассадан эшикром, темир тўсиқ, панжара ва дарвоза ишлаб чиқарамиз, – дейди **корхона раҳбари Фозил Юсупов**. – «Ҳамкорбанк»дан олинган 25 млн. сўмлик кредит ҳисобидан замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатдик. Маҳсулотимиз сифати ва нисбатан арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Қишлоқларда қурилаётган намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойлар учун дастлабки 12 млн. сўмлик буюртмани бажардик.

Корхона ишга тушиши билан 15 нафар касбхунар коллежи битирувчиси ишли бўлди.

Аҳоли бандлиги — долзарб вазифа

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан мамлакатимизда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчил чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда аҳоли бандлигини таъминлаш, жумладан, касб-хунар коллежи ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шароитлар яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан экани таъкидланди. Иқтисодиёт вазирлиги ушбу йўналишдаги вазифаларни бажаришда муҳим ўрин тутмоқда.

Ҳар бир юртдошимизни иш билан таъминлаш долзарб вазифадир. Иқтисодиёт вазирлиги шу мақсадга қаратилган қисқа ва узоқ муддатли демографик прогнозларни мунтазам амалга ошириб, ижтимоий-сиёсатни прогноз натижалари билан мувофиқлаштириб келмоқда.

Ҳар йили 500 мингдан зиёд ўғил-қиз ўқув муассасаларини битирмоқда. Уларни ишга жойлаштириш жараёнини соддалаштириш мақсадида жорий йилнинг 1 январидан бошлаб касбхунар коллежи битирувчиларини ишга оладиган микрофирма ва кичик корхоналарга ишчилар сонининг белгиланган меъёрини 50 фоизга ошириш имконияти тақдим этилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда тобора муҳим ўрин тутмоқда. Бугун мамлакатимиздаги жами банд аҳолининг 76 фоизидан зиёди ушбу соҳада меҳнат қилаётир.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Ургутда ишбилармонлар сафи кенгаймоқда


Ургут туманида корхоналар негизда янги қувватлар ташкил этишга эътибор кучайтирилмоқда. Тумanning 2013-2015 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан, 88 та лойиҳа доирасида 23 млн. 452 минг АҚШ доллари миқдоридан инвестициялар киритилди.

Ушбу лойиҳаларнинг 41 таси саноат соҳасида амалга оширилди. Натижада мева-сабзавотларни қайта ишлаш, қуриш, қадоқлаш, полиэтилен маҳсулотлари, полиестр тола, спорт пойабзаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Черепица, газлама, электр печ ва плита, пластмасса маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми кенгайтирилди. 14 та саноат корхонаси негизда тўқимачилик ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 400 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Жумладан, «Нур Сам Қур» масъулияти чекланган жамиятида матога гул босиш ва газлама ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. «Ургут Евро Текс» хусусий корхонаси ва «Alfa max alliance» қўшма корхонасида пайпоқ тўқиш, «Гулбод чеварлари», «Хушнудабону» масъу-

чи чорагига қадар улар молиялаштиришни тўлиқ ниҳоясига етказишди. Ўз ҳисобимиздан 90 минг АҚШ доллари миқдоридан маблағ сарфладик. Бугун янги корхонада 45 нафар маҳаллий ёш йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Корхонамиз бир йилда 1 млн. 200 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотларимиз айни пайтда ички бозорда сотилмоқда. Яқин орада маҳсулотимизни экспортга чиқариш, 120 та янги иш ўринини яратишни режалаштирганмиз.

Ургут туманининг 2014-2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан, ўтган йили саноат соҳасида 61 та лойиҳа доирасида жами 51 млрд. 460 млн. сўм сарфланиб, 1 344 та янги иш ўринлари яратилган. Ушбу лойиҳа бўйича 23 таси янги ташкил этилган корхоналардир.



лияти чекланган жамиятлари, «Моҳигул Ҳамиджонова», «Калангар тикувчи ҳамкор» хусусий корхоналари, «Аслбек Алибек» фермер хўжаликларида тикувчилик ва бошқа турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошланди.

– 256 минг АҚШ доллари миқдоридан хориж инвестициясига техника, пайпоқ тўқиш дастгоҳлари ва қисман хомашё сотиб олдик, – дейди **тумanning Мерганча маҳалласида ташкил этилган «Alfa max alliance» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси раҳбари Даврон Саидмуродов**. – Бинолар қурилишига ўз маблағимиздан 550 млн. сўм сарфланди. 20 та янги иш ўрни очилди. Касб-хунар коллежларини битирган ёшларни ишга жалб этдик. Уларнинг файрати билан ҳар куни 2 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқарилапти.

Яна бир янги корхона «Тоуибохон NUR» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида чарм пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун дастлаб 150 минг АҚШ доллари миқдоридан хориж инвестицияси жалб этилди.

– Ҳамкорларимиз сарфлайдиган сармоя жами 810 минг АҚШ долларини ташкил этади, – дейди **қўшма корхона раҳбари Азиз Рустамов**. – 2015 йилнинг иккин-

– Тумани 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида саноат соҳасида 48 та лойиҳа амалга ошириш бўйича дастур тузилган, – дейди **туман ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Абдуғаппор Мадаров**. – Мазкур дастур доирасида жами 48 та лойиҳа амалга оширилади. Шундан 10 млрд. 57 млн. сўми хорижий инвестиция ҳисобига тўғри келади.

2015 йилда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг 13 таси кимё ва нефть саноати, 1 таси машинасозлик ва эҳтиёт қисмлар, 3 таси электротехника, 4 таси қурилиш саноати, 3 таси озиқ-овқат саноати, 12 таси тўқимачилик, 9 таси чарм пойабзал, 3 таси мебель ва қоғоз саноати соҳаларида ишга туширилиши ва 2083 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Ургутда иқтисодиётнинг бошқа жабҳаларидаги каби саноатни ривожлантириш борасида имкониятлар катта. Айнан шундай имкониятлардан фойдаланиш кўпайиб янги иш ўринлари яратишга, аҳолини керакли саноат маҳсулотлари билан таъминлашга, экспорт салоҳиятининг ошишига хизмат қилмоқда.

«Туркистон-пресс» НАА.

MINTAQUALARDAN XABARLAR

Кичик бизнес қўллаб-қувватланмоқда

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш иқтисодиёт жадал ривожланишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Андижон вилоятидаги Шахрихон филиали фаолияти ҳам ушбу муҳим вазифаларни амалга оширишга йўналтирилган.

Банк филиали мижозлар билан ишлашда ўз стратегиясини шакллантирган, у биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатини таъминлашга қаратилган. Имтиёзли микромолиялаш тизими янги ишлаб чиқаришлар барпо этилиши, хизматлар кўрсатиш соҳаси ривожланиши, аҳолининг иш ўринлари билан таъминланишига кўмаклашади.

Имтиёзли шартларда кредитлаш мижозларга салмоқли афзаллик беради. У бизнесни йўлга қўйишда бошланғич капитални шакллантириш ёки кичик корхона фаолиятини кенгайтириш учун тақдим этилмоқда. Шу тариқа молиявий муассаса бизнес лойиҳалар амалга оширишининг бошланғич босқичида энг қулай шароитлар яратиб, кўплаб тадбиркор кишилар ўз ишини очишига имкон берди, уларнинг

ишбилармонлик ташаббуслари ҳаётга татбиқ этилди. Чунончи, жорий йилнинг биринчи чораги давомида кичик бизнес субъектларига 1085,0 млн.

филиали мижозларининг қарийб 30 фоизи улардан бошланғич капитал сифатида фойдаланиб, корхоналар ташкил этди ва янги иш ўринлари яратилди –



сўм кредит маблағлари ажратилди. Бунда 500,0 млн. сўм кредитлар имтиёзли тарзда тақдим этилди, 100,0 млн. сўм саноат соҳасига йўналтирилди, истеъмол кредитлари 85,0 млн. сўмни ташкил этди, савдо ва умумий овқатланиш соҳасига 385,0 млн. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис корхоналари учун 120,0 млн. сўм ажратилди. Ушбу кредитлар ҳисобига жами 56 та янги иш ўрни яратилди.

– Жорий йилда кредит маблағлари олган банк

деди **ТИФ Миллий банкининг Шахрихон филиали бошқарувчиси Умирбек Абдуллаев**. – Бундан ташқари, ёшлар, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш каби муҳим вазифалар ҳал этилмоқда. Тадбиркорлик янада раванқ топиши учун ҳар томонлама кўмак бериш мижозлар муваффақият қозонишида муҳим омил ҳисобланади. Шу билан бирга, минтақа ривожланиши ва аҳоли фаровонлиги ошишига олиб келади.

Иқтисодиётнинг реал сектори учун кредитлар

«Ипотека-банк» АТИБнинг Фарғона вилояти филиали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш, замонавий банк технологияларини жорий этиш ва интерактив хизматлар таркибини кенгайтириш ишини давом эттирмоқда. Муҳбиримиз ушбу филиал бошқарувчиси Бехзод ЎРИНБОЕВ билан амалга оширилган ишлар ва ривожланиш истиқболлари ҳақида суҳбатлашди:

– Банк филиали иқтисодиётнинг реал секторини қандай тарзда кредитламоқда?

– Жорий йилнинг 1 март ҳолатига кўра, банкнинг вилоят филиали томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 3119,6 млн. сўм миқдорида кредитлар берилди. 2014 йилнинг шу даври билан солиштирганда ажратилган кредитлар 1,3 баравар ошди. Кредитлар умумий ҳажмида микрокредитлар 892,5 млн. сўмни ташкил этди. Ҳозирги пайтда аёл фермерлар ва тадбиркорлар, шунингдек, уларнинг оилалари бизнес юритиши учун молиявий кўмак бериш йўли билан ҳам иқтисодий шарт-шароитларни яхшилаш катта аҳамиятга эга. Банк филиали шу мақсадда аёл тадбиркорларга 271,7 млн. сўм миқдорида кредитлар тақдим этди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини очиш учун 50,0 млн. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси корхоналарига 275,0 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Натижада 145 та янги иш ўрни яратилди.

Банк кредитлари фарғоналикларга чорвачилик, паррандачилик йўналишида кичик хўжаликларни

ривожлантиришда, шунингдек, иссиқхоналар ташкил этишда ёрдам берди.

– Филиал ресурс базасини мустаҳкамлаш йўлида қандай ишлар олиб борилмоқда?

– Банк филиали ресурс базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинди. Жорий йилнинг 1 март ҳолатига кўра, 18 200,1 млн. сўм миқдорида аҳоли пул маблағлари омонатларга жалб этилди. Йил бошидаги кўрсаткич билан солиштирганда депозитлар 1,2 баравар ошди.

«Ипотека-банк»нинг Фарғона вилояти филиали нақд пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини қисқартириш ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг замонавий шакллари кенг жорий этиш бўйича иш олиб бормоқда. Ана шу мақсадда пластик карталар чиқариш ҳажмини ошириб, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини терминаллар билан жиҳозлашда давом этди.

Жорий йилда банкнинг вилоят филиали чакана бизнеснинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиб, изчил ривожланишда давом этишни мақсад қилган.

Материалларни ҳамдам АМИНОВ тайёрлади.


Нон — ризқ-рўзимиз

Истиқлолга қадар Бухорода атиги иккита нон заводи ишлаб, тақлиф этилган маҳсулотлар ассортиментни бармоқ билан санарли бўлса, ҳозир манзара буткул ўзгача тус олган.

ватлаб, 200 млн. сўмлик кредит ажратди.

Кредит маблағи ҳисобига Германияда ишлаб чиқарилган технологик линия харид қилинди. Ушбу линия ўрнатилиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми, шунингдек, ишчилар сони ҳам кўпайди. Кўл меҳнати улуши камайиб, ёпилаётган нон ва нон-булка маҳсулотлари сифати яхшиланди. Бугунги кунда новвойхонада 14 турдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

– Мен «Ширин кулча»да кўп йилдан бери ишлайман, – дейди **Шахло Шарипова**. – Ло-чира, ширин кулча, ёғли булка каби қандолат маҳсулотлари учун хамир тайёрлайман. Ишим ўзимга ёқади,



харидорлар маҳсулотларимизни олиб кетаётганини кўрсам қувонаман.

– Илгари ойига беш тоннагача ун

ишлатган бўлсак, ҳозирда саккиз тоннадан ортиқ ундан турли хил нон-булка маҳсулотларини ишлаб чиқарамиз, – дейди **Э.Йўлдошев**. – Цехимизнинг ойлик соф фойдаси 2,5 млн. сўмни ташкил этади. Бундан ташқари, шартнома асосида нон ва қандолат маҳсулотларини Бухоро шаҳридаги олти та мактабгача таълим муассасасига етказиб берамиз. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз ассортиментни ва иш ўринлари сонини оширишни режалаштирмоқдамиз.

«Ширин кулча» новвойхона фаолияти билан яқиндан танишиб, маҳсулотлари харидоргирлигига амин бўлдик.

– Шу новвойхонада ёпиладиган нон жуда мазали, – дея ўз фикри билан ўртоқлашди **Бухорода яшовчи меҳнат фахрийси С.Сафаров**. – Ҳақиқий мулк эгаси нафақат маҳсулотининг миқдори, балки сифати ҳақида ҳам доим қайғуради. Шундай хулосага келганимга анча бўлган. Меҳнатлари ва мазали нонлари учун уларга раҳмат айтаман.

Асатилло ҚУДРАТОВ.

Шаҳарда мини-цехлари фаолият олиб бораётган «Иссиқ нон» дўконлари тармоғи очилган. Улар сирасига «Шарқ» мавзесидаги «Кўк сарой», Боғидашт мавзесидаги «Боғидашт», «Дилкушо» АЖ ҳудудидаги «Ширин кулча», Бухоронинг эски шаҳар қисмидаги «Иссиқ нон» ва бошқа ихтисослаштирилган дўконлар киради.

«Бухоро нон» АЖ қошидаги «Ширин кулча» новвойхонаси раҳбари ўзгариб, уни Эркин Йўлдошев бошқара бошлаши билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментни ҳам кўпайди.

– Йўлга қўйилган ишлаб чиқаришни ўзгартириш қийин кечди, албатта, – деди **Э.Йўлдошев**. – Авваламбор, маънавий эскирган ускуналар ўрнига янги, янада замонавий технологик линиялар билан қайта жиҳозлаш вазифаси турар эди. Жамоа билан маслаҳатлашиб, банкдан кредит олиш ва технологик жиҳозларни буткул янгилашга қарор қилдик. Бизнес ғоямизни «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банкининг вилоят филиали қўллаб-қув-

ТАHLIL

Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори: 2015 йил январь-февраль ойлари

Биржада қимматли қоғозлар айланмаси динамикаси

«Тошкент» республика фонд биржасида 2015 йил январь-февраль ойларидаги қимматли қоғозлар билан боғлиқ умумий айланма 34,8 млрд. сўмни ташкил этди, бу ўтган йилдаги кўрсаткичдан 3 баравар кўпдир. 2012-2015 йиллар январь-февраль ойларидаги савдолар динамикасининг кўрсатишича, айланма ҳажмларининг изчил ўсиши кузатилмоқда. Агар 2012 йил январь-февраль ойларида қимматли қоғозлар айланмаси ҳажми 5,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, жорий йил январь-февраль ойларидаги савдолар ҳажми 29,6 млрд. сўмга ошади (ёки 6,7 баравар ўсди).



Қимматли қоғозлар биржа бозорининг тузилмаси

Умумий биржа айланмаси тузилмасида иккиламчи жойлаштирилган қимматли қоғозлар бозори устунлик қилади. У умумий биржа айланмасининг 90,5 фоизи ёки 31,5 млрд. сўмни ташкил этади. Бунда иккиламчи бозордаги айланмалар 2014 йил январь-февраль ойларидаги кўрсаткич (2,9 млрд. сўм) билан солиштирганда қарийб 11 баравар ўсди.

Бирламчи жойлаштирилган қимматли қоғозлар ҳажми салмоғи атиги 9,5 фоизни ёки 3,3 млрд. сўмни ташкил этди, бу 2014 йилнинг шу давридаги ҳажмдан 4,9 млрд. сўмга камдир (8,2 млрд. сўм).

Шуни қайд этиш лозимки, иккиламчи фонд бозори ривожланиши даражаси мамлакат қимматли қоғозлар бозори рақобатбардошлигининг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. «Тошкент» фонд биржасининг маълумотларига кўра, иккиламчи бозорда биржа айланмалари улуши ошишининг сабабларидан бири акциядорлик-тижорат банкларининг қимматли қоғозлари, хусусан, 2015 йил январь-февраль ойларида иккиламчи бозордаги биржа айланмаси 20,0 млрд. сўмни ташкил этган «Ипотека-банк»,

6,2 млрд. сўмни ташкил этган «InFinBank» ва 2,6 млрд. сўмни ташкил этган «Капиталбанк» акциялари билан савдо фаоллиги ошиши ҳисобланади.

2015 йил январь-февраль ойларида 143 та биржа битими тузилди (2014 йил январь-февраль ойларида – 123 та битим) ва 34 та акциядорлик жамиятининг 60,5 млн. дона акцияси реализация қилинди.

2015 йилнинг дастлабки икки ойи якунларига кўра, иқтисодиётнинг асосий тармоқлари кесимида қимматли қоғозлар билан биржа айланмасининг тузилмаси қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:


- иқтисодиётнинг молиявий сектори корхоналари улушига биржа айланмасининг 97,4 фоизи ёки 33,9 млрд. сўм, шу жумладан, банклар улушига биржа айланмасининг 95,9 фоизи ёки 33,4 млрд. сўм, сугурта ва лизинг компаниялари улушига тегишинча 0,5 млрд. сўм (1,5 фоиз) ва 0,003 млрд. сўм (0,01 фоиз) тўғри келади. 2014 йил январь-февраль ойларида молиявий сектор улуши 90,7 фоиз ёки 10,0 млрд. сўмни ташкил этган;
- агросаноат мажмуи улуши –

0,2 фоиз ёки 0,1 млрд. сўм;

- саноат сектори улуши – биржа айланмасида 0,02 фоиз ёки 0,01 млрд. сўм;
- қурилиш соҳасидаги корхоналар улуши – 1,9 фоиз ёки 0,7 млрд. сўм.

Юридик шахслар инвестициялари ҳажми биржа айланмасининг асосий қисми – 33,8 млрд. сўмни ёки бутун биржа айланмасининг 97,0 фоизини ташкил этган.

Ҳисобот даврида жисмоний шахслар инвестицион фаоллиги пасайиши кузатилмоқда, уларнинг бир-



жа айланмасидаги улуши 3,0 фоизгача ёки 1,0 млрд. сўмга пасайди (2014 йил январь-февраль ойларида жисмоний шахс бўлган инвесторлар улуши 38,2 фоиз ёки 4,2 млрд. сўмни ташкил этган).

Инвесторлар кесимидаги тузилма таҳлили 2015 йил январь-февраль

ойларида кичик бизнес вакили бўлган инвесторлар улуши 23,4 фоизни, сугурта компаниялари улуши 15,3 фоизни ташкил этишини кўрсатди.

Листинг компанияларининг биржа шарҳи

2015 йил бошида расмий биржа листингида 133 та компания мавжуд эди, бунда йил бошидан бери 2 та янги компания листингга киритилди, 1 та листинг компаниясининг қимматли қоғозлари листингдан чиқарилди (делистинг амалга оширилди), бунинг натижасида 2015 йил 1 март ҳолатига кўра, расмий биржа листингида 134 та акциядорлик жамияти мавжуд.

Расмий биржа листингига кирадиган акциядорлик жамиятлари акцияларининг бозор капиталлашуви кўрсаткичи 2015 йил 1 мартдаги ҳолатга кўра, 6 892,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Листинг компаниялари капиталлашуви салмоғи акциялари биржа бозоридан муомалада бўлган акциядорлик жамиятлари капиталлашуви умумий ҳажмининг 67,9 фоизини ташкил этади.

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида листинг компанияларининг қимматли қоғозлари билан 34,2 млрд. сўмлик 121 та битим (2014 йилнинг шу даврида – 104 та битим) ёки ҳисобот давридаги умумий биржа айланмасининг 98,3 фоизи (2015 йил февраль ойида – 97,2 фоиз) амалга оширилган. Ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткич (10,7 млрд. сўм) билан солиштирганда листинг компаниялари қимматли қоғозлари айланмаси қарийб 3 баравар ошди.

Ҳисобот даврида листинг компаниялари айланмасининг тармоқ ту-


зилмасида тижорат банкларининг қимматли қоғозлари устунлик қилди (33,4 млрд. сўм ёки умумий айланманинг 97,6 фоизи).



Ўтган даврда листинг компаниялари қимматли қоғозлари билан биржа айланмаларининг катта қисмини иккиламчи жойлаштириш ҳажми – 30,9 млрд. сўм (умумий айланманинг 90,3 фоизи) ташкил этди.

РЕПО битимлари бўйича биржа шарҳи

2015 йил январь-февраль ойларида 0,51 млрд. сўмлик жами 2 та РЕПО битими тузилди (2014 йил январь-февраль ойларида – 0,3 млрд. сўмлик 1 та битим). Биржаниннг умумий айланмасида РЕПО битимларининг салмоғи 1,5 фоизни ташкил этади.



Акциядорлик жамиятлари ва биржадаги қимматли қоғозлар кўрсаткичлари 2012-2015 йилларнинг январь-февраль ойларида

Кўрсаткичлар	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.
Қимматли қоғозлари билан биржага мурожаат қилган АЖлар сони	37	42	40	34
Битимлар сони, донада	112	214	123	143
Қимматли қоғозлар сони, минг донада	1 980	4 440,0	33 445,2	60 500,0
акциялар	1 980,0	4 436,0	33 441,1	60 500,0
облигациялар	-	4,0	4,1	-
Битимлар миқдори, млрд. сўмда	5,2	9,1	11,1	34,8

Биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби 2012-2015 йилларнинг январь-февраль ойларида, фоизда

	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.
Банклар	82,9	37,4	87,2	95,9
Лизинг	0,0	32,2	0,2	0,01
Саноат	1,3	0,6	6,2	0,02
Ижтимоий соҳа	0,3	6,7	0,4	0,2
Сугурта	1,0	0,6	3,2	1,5
Қурилиш	1,3	2,3	0,8	1,9
Агросаноат мажмуаси	4,4	4,6	1,6	0,2
Бошқалар	8,8	15,6	0,4	0,3

Инвесторлар кесимида биржа айланмасининг таркиби 2014-2015 йилларнинг январь-февраль ойларида, фоизда

	2014 й.	2015 й.
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик	5,2	23,4
Хорижий инвесторлар	0,1	4,6
Сугурта компаниялари	5,4	15,3
Жисмоний шахслар	38,2	2,9
Банклар	50,5	0,4
Лизинг компаниялари	0,0	0,7
Бошқа юридик шахслар	0,6	52,7

AKADEMIYA

Институт олий сифат сертификати эга бўлди

Жорий йилнинг 8 апрель куни Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтига халқаро сифат менежменти тизими ISO 9001:2008 стандартига мослиги тўғрисида мувофиқлик сертификатини топшириш маросими бўлиб ўтди.



Сертификатлаштириш бўйича аудит ишлари 2015 йил январда «SGS Tashkent» компанияси томонидан олиб борилган. Аудиторлар институт менежменти сифатининг кучли томонлари, хусусан, «Бошқарувда етакчилик» тамойили бошқарувнинг барча жабҳаларида юқори даражада амалга оширилаётгани, шунингдек, ходимлар малакасининг олий даражада эканлигини қайд этди.

Эътиборлиси шундаки, институтни бошқаришнинг сертификациялаштирилган тизими ташқи маслаҳатчилар жалб қилинмасдан ишлаб чиқилган.

Айтиб ўтиш жоизки, Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти (MDIS) олий сифат сертификати эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг биринчи халқаро институтларидан бирига айланди.

«Туркистон-пресс» НАА.

Илмий ишланмалар — ишлаб чиқаришга

Самарқандда VIII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ҳудудий ярмаркаси бўлиб ўтди.

Президентимизнинг 2008 йил 15 июлдаги «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий тадқиқот институтлари сингари ўттиздан ортиқ ташкилот иштирок этди.

— Анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур кўргазма иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларидаги талабни ўрганган ҳолда янги инновацион ғоя ва лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш, инноваторлар ва инновация лойиҳалари инвесторлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир, — дейди Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети проректори Мўмин Қодиров. — Жумладан, аввалги ярмаркаларда университетимиз олимлари ва тадқиқотчилари томонидан намоиш этилган йигирмадан ортиқ инновацион ишланмадан айни пайтда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида самарали фойдаланилмоқда. Яна кўплаб лойиҳаларимизни такомиллаш-

тириш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги ярмаркада ҳам ўнга яқин янги ишланмани тақдим этмоқдамиз.

Кўргазма иштирокчилари томонидан саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, информация технологиялар ҳамда илм-фан соҳасидаги 150 инновацион технология, ишлан-



ма ва ғоялар намоиш этилди. Шунингдек, улар бу борада амалга оширилаётган ишлар бўйича ўзаро тажриба алмашиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаш, илмий ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда инновацион лойиҳаларга талабгорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконига эга бўлди.

— Биз тақдим этаётган ингибаторлар республикамиздаги нефть ва газ саноати ҳамда халқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланилаётган металл ва металл буюмлардан ясалган ускуналар-

ни коррозиядан сақлашга хизмат қилади, — дейди Қарши давлат университети ўқитувчиси Фулом Шодиев. — Айни пайтда эса бу восита хориждан харид қилинмоқда. Агар лойиҳамиз ишлаб чиқаришга жорий этилса, ингибаторларни маҳаллий шароитда арзон нархда тайёрлаш ва ундан кенг фойдаланиш имконияти яратилади.

Тадбирда фермер хўжаликлари, саноат корхоналари, ташкилотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектлари билан технология ҳамда ишланмалар муаллифлари ўртасида шартномалар имзоланди. Вилоятдаги тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган лизинг хизматлари ҳақида маълумот берилди.

Кўргазма якунида тармоқ ва соҳаларни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган янги техника ва технологиялар, илмий ишланма ва ғоялар танлаб олиниб, уларни амалиётга татбиқ этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ў.А.



Кутубхона фонди

Назаров Шарофиддин Ҳакимович. Худудларнинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилувчи услубий аспектлар / Ш.Ҳ.Назаров. — Тошкент: 2014. — 212 бет.

Монографияда регионаллашув ва глобаллашув жараёнида худудларнинг рақобатбардошлиги, худуд миқёсидаги рақобатбардошликнинг комплекс ва тизимли тадқиқоти, иқтисодий ташхиснинг ахбороттаҳлилий воситаларини ташкил этиш асосида рақобатбардошликни кучайтириш бўйича вазифаларни амалга оширишдаги устувор йўналишлар масалалари таҳлил қилинган. Китоб ҳудудий ривожланиш масаласи билан шуғулланувчи илмий ва амалиётчи ходимлар, шунингдек, ўқитувчи ва талабалар учун мўлжалланган.

Чепель Сергей Васильевич. Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг барқарор тараққиёт истиқболли моделилаштириш ва унинг тизимли таҳлили / С.В.Чепель. — Тошкент: IFMR, 2014. — 316 бет.

Монография илмий ходим, мутахассис ва амалиётчилар, талабалар ҳамда худудлар ва ташкилотлар, соҳа иқтисодиёт тараққиёти истиқболли моделилаштириш ва тизимли таҳлил қилиш масаласи билан қизиқувчи кенг кўламли ўқувчилар учун мўлжалланган. Тадқиқот ишида иқтисодиётнинг ички ва ташқи шокка чидамлилигини, ҳудудий статистика таҳлили моделининг иқтисодий мезони, «ишлаб чиқариш-харажат» моделини баҳолаш ва ҳисоботли динамиканинг кенг факторли таҳлили услублари ҳамда узоқ муддатли прогнозлаштириш ва миллий иқтисодиётнинг 2030 йилга қадар стратегиясини шакллантириш масалалари ўрин олган. Рисола 9 бўлим ҳамда фойдаланилган илмий адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

Воронин Сергей Александрович, Садиқов Алишер Мирзалиевич. Нархнинг шакллантирилишини тартибга солиш масалалари. Асослар, тажриба, тавсиялар / С.А.Воронин, А.М.Садиқов. — Saarbrücken, Deutschland: LAP LAMBERT Academic Publishing. 2014. — 220 бет.

Китобда нархни шакллантиришнинг назарий-услубий асослари, нархларнинг даражасига давлатнинг таъсири бўйича халқаро тажриба, юқори қийматли маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш жараёнида юридик шахслардан олинадиган солиқ тўловларининг тизимини шакллантириш усуллари асослантирилган. Тадқиқот давомида олинган хулоса ва таклифлар бошқарувдаги молия ташкилотлари, вазирликлар, идора ва корхоналар томонидан қўлланилиши мумкин.

Ивонина Ирина Эрнстовна. Нефть ва газ саноати корхоналарининг барқарор ривожланишини бошқариш / И.Э.Ивонина. — Ташкент: 2013. — 202 бет.

Монография барқарор тараққиётнинг интеграл концепцияси, модернизацияси, техник ва технологик таъминоти асосида Ўзбекистон Республикасидаги нефть ва газ саноати корхоналарини самарали бошқариш тизимини шакллантириш, шунингдек, корхоналарнинг ички ва ташқи бозордаги ўрнини мустаҳкамлашнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқишга бағишланган. Китобда корхонани барқарор ривожлантириш йўлидаги бошқарувда таваккалчилик-менежменти услублари таҳлил қилинган бўлиб, у нефть ва газ саноати корхоналари раҳбарияти ва мутахассислари, шунингдек, бошқа соҳа вакиллари, илмий ходимлар, олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва талабалари учун мўлжалланган.

Ахборот ва статистика бўлими томонидан тайёрланди.

MULOQOTLAR MAYDONI

Ёшлар бандлиги доимий эътиборда

«Ўзэкспомарказ» мажмуида «JobFair-2015» саккинчи ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Тадбирнинг очилишида мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил этиш, ёшларни эгаллаган касблари бўйича ишга жалб қилиш ва натижада бандлик даражасини ошириш бугунги ижтимоий ислохотларда устувор аҳамият касб этиши таъкидланди. Бунда давлат ижтимоий идоралари билан

«Enter Engineering», «Coscom» МЧЖ, «ATM Partners», «iHoops», «HR Capital Consulting» каби етакчи компаниялар ҳам иштирокчи ҳамкор сифатида фаол қатнашди.

Тадбирда тўқсондан зиёд компаниялар томонидан 500 дан ортиқ бўш иш ўринлари таклиф этилди. Улар орасида «Ўзбекистон ҳаво

ва IT-компаниялари, меҳмонхона ва ресторан бизнеси, халқаро ва жамоат ташкилотлари, олий ўқув юртлари ҳамда хорижий компаниялар ваколатхоналари ҳам ўз таклифларини намойиш этди.

Статистик маълумотларга кўра, 2014 йилда республикада бир миллионга яқин киши иш билан таъминланган бўлиб, уларнинг 600 мингдан зиёди таълим муассасалари битирувчилари ҳисобланади. Таъкидлаш жоиз, ёшларни ўз иқтидори ва мутахассисликлари бўйича ишга жалб этиш ва бундай натижаларга эришишда мана шундай ярмаркалар ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Ярмаркада, айниқса, юртимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига кадрлар тайёрлаётган олий ва ўрта махсус ўқув юртарининг битирувчи талабалари учун кўпроқ бўш иш ўринлари таклиф қилинди.

– Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультетининг магистратура бўлимида таҳсил оламан, – дейди **Мунира Норпўлатова**. – Барча қатори ярмаркага иш қидириб келгандим, бу ердаги шартшароитларни кўриб қувондим. Ҳақиқатан ҳам, бугунги



www.uzaluz



www.uzaluz

бир қаторда хусусий корхоналар ҳам жонбозлик кўрсатётганлиги қайд этилди.

Хусусан, «JobFair-2015» ярмаркасининг бош ҳамкори «Unitel» МЧЖ бўлиб, унда, шунингдек, «LUKOIL Uzbekistan Operating Kompany», «Akfa», «Artel»,

йўллари» миллий авиакомпанияси, «Nestle Uzbekistan», «CNH Industrial», «GM Powertrain Uzbekistan», «Uz-Kor Gaz Chemical», «LG Electronics», «Arktika Bottlers» каби йирик компания ва фирмалар, тижорат банклари, интернет операторлари

кунда мамлакатимизда ёшлар учун кенг имкониятлар яратилган. Биздан талаб, фақатгина ундан тўғри фойдаланиш ва самарасини кўрсатишдир. Ярмаркада кўпроқ мени «Your Soft» компаниясининг таклифлари қизиқтирди.

– Ахборотлаштириш тизими республикадаги барча соҳа ва тармоқларни кенг қамраб олмақда, – дейди «Your Soft» компаниясининг ишланмалар бўлими раҳбари **С.Сячин**.

– Бу бизга турдош компаниялар фаолиятини ривожлантиришни талаб этиб, улар ўртасидаги ўзаро рақобатни кучайтирмоқда. Рақобатбардош иш юритиш ва бозордаги мавқеини мус-

таҳкамлаб бориш учун эса, бундай корхоналарни фақатгина истиқболли кадрлар салоҳияти қутқаради. Ярмаркада дастурчи, ёрдам бериш хизмати ва савдо менежери мутахассисликлари бўйича бўш иш ўринлари билан иштирок этдик. Ушбу ўринларга компаниямиз кадрлар сиёсатида белгиланган мезонларга мос сўровнома тўлдирган ёшларнинг бир неча нафарини қабул қилиш ниятидамиз.

Ярмарка доирасида «JobFair Online-2015» онлайн-ярмаркаси ҳам бўлиб, унда ёшлар интернет портали орқали ҳам иштирок этиш имконига эга бўлди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

ТИНЕ — аҳоли саломатлиги йўлида 20 йил

Пойтахтимизда «Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ҳафталиги – ТИНЕ» халқаро анжумани бўлиб ўтмоқда. Унинг доирасида XX «Соғлиқни сақлаш – ТИНЕ 2015», X «Фармацевтика саноати – AptekaExpo Central Asia-2015», XI «Стоматология – Stomatology Uzbekistan-2015» халқаро кўргазмалари ҳамда тиббиётнинг «Анестезиология» ва «Ультратовуш ташхиси» йўналишида амалий семинарлар, «Ўзбекистон стоматологияси-2015» номли ҳисобот анжумани ўтказилмоқда.

ТИНЕ соғлиқни сақлаш кўргазмаси ITE Uzbekistan халқаро кўргазмалар компаниясининг 20 йил мобайнида республикада ўз фаолиятини муваффақият билан олиб бораётган биринчи кўргазма-тадбири ҳисобланади. У мазкур тармоқда халқаро даражадаги биринчи ихтисослашган тадбир бўлиб, унда жаҳондаги турли мамлакатлардан тиббиёт асбоб-ускуналари ва фармацевтика воситалари ишлаб чиқарувчи етакчи компаниялар иштирок этади. Йилдан-йилга экспонентлар қатори янги брендлар, компаниялар билан тўлиб, уларнинг аксарияти эндиликда доимий иштирокчи мақомида ўз маҳсулотини тақдим этмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида тадбир Ўзбекистондаги энг йирик халқаро тиббиёт кўргазмаси мақомини олишга муваффақ бўлди ва Бутунжаҳон Аудити – UFI томонидан ҳам тасдиқланди. «AptekaExpo Central Asia» ва «Stomatology Uzbekistan» кўргазмалари эса, 10 йилдан буён ушбу тадбирнинг ажралмас қисмига айланди.

Жорий йилда кўргазмада 20 мамлакатнинг 150 та компанияси ўз стендларини намойиш этмоқда. Улар ташриф буюрувчилар эътиборига замонавий ташхис ускуналари, УЗИ

аппаратлари, компьютер томографлари, рентген аппаратлари, ЭКГ мониторлар, реанимация бўлинмалари учун ускуналари, ортопедия ва имплантология учун барча маҳсулотлар, жароҳлик асбоблари ва материалларни тақдим этмоқда. Экспонентлар умумий сонининг 70 фоизини хорижий компаниялар ташкил этади.



– Республикада тиббиёт тизимида жуда катта реконструкция ва модернизациялаш ишлари олиб борилмоқда, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Ш.Тиллаев**. – Хусусан, 2014 йилда 137 та тиббиёт муассасаларида қайта қурилиш ишлари амалга оширилиб, замонавий тиб-

бий жиҳозлар билан таъминланди. Жорий йилда эса, 103 та объектни модернизациялаш режалаштирилган. Бундай лойиҳаларни молиялаштиришда давлат бюджети билан бир қаторда халқаро молия муассасаларининг ҳам сармоялари жалб қилинмоқда. Хусусан, жорий йилда Жаҳон банкнинг 194 млн. АҚШ долларига тенг сармояси ҳисобига минтақалардаги туман оилавий поликлиникаларини тўлиқ жиҳозлаш чора-тадбирлари амалга оширилади. Кўргазма юртимиздаги тиббиёт объектларини мана шундай замонавий кўринишга келтириш, жиҳозлаш ва, пировардида, аҳолига жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга кўмаклашмоқда.

ТИНЕ кўргазмасида маҳаллий компаниялар иштироки ҳам йил сайин ортмоқда. Бу йилги дебютантлар ва доимий иштирокчилар орасида «All Tech Equipment Service», «Avikon Med», «Euromed Systems», «Gamma Med», «Samarqand Eco Med», «Health Pharm Service», «Intermed Innovation», «Magnum Medikal Servis», «Med Ros Techno Line», «Medbioline», «Medprotect System», «Mehribon Farm» каби тиббиёт ускуналари ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчилар ҳам бор.

«AptekaExpo Central Asia» шўъбаси ҳам йилдан-йилга катталашмоқда. Жорий йилда Ўзбекистон бозо-

рига чиқиш истагида бўлган Хиндистон, Жанубий Корея, Хитой, Италиядан янги компаниялар ташриф буюрган. Улар фармацевтика ишлаб чиқариши учун асбоб-ускуналари ва технологияларни намойиш қилишмоқда.

– Бугунги кунда республикада 7 мингга яқин дори воситалари мавжуд бўлиб, уларнинг муайян қисми маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилмоқда, – дейди **Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош бошқарма бошлиғи Х.Жалилов**. – Шундан 17 та корхонанинг 100 га яқин турдаги дори воситалари экспортга йўналтирилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, бу йил «Stomatology Uzbekistan» кўргазмаси юқори технологияли стоматология асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш ва ушбу соҳада инновацион ечимларни яратишда жаҳоннинг етакчиси ҳисобланган Sirona Dental (Германия) компанияси билан тўлди. Стоматология амалиётининг барча мутахассисларига таниқли бўлган қатор жаҳон брендлари Ўзбекистоннинг дистрибьютор компаниялари стендларида намойиш қилинмоқда. Булар «Sergo Dental», «Sarus Biznes Servis», «Farruh-67», «Luch Stom Interprise» компанияларидан иборат.

Кўргазма Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзтибтехника» МЧЖ, «Ўзфармсаноат» ДАК, Ўзбекистон Республикаси стоматологлар уюшмаси томонидан расмий қўллаб-қувватланмоқда.

Эъзоз КАМОЛОВА.

Ўзбекистон — Польша бизнес-форуми

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида Польша Республикаси ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги муносабатлар барча жабҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий соҳасида ҳам жадал ривожланаётгани таъкидланди. Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги икки томонлама келишувга мувофиқ, Ўзбекистон ва Польша ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамда инвестициявий муносабатлар кулайликлар яратиш принципи асосида йўлга қўйилган. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Польша ҳукуматлараро комиссияси икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришда амалий механизм бўлиб хизмат қилаётир.

Бизнес-форум Ўзбекистон ва Польша бизнес тузилмалари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни янада кенгайтиришга қаратилди. Польшадан ташриф буюрган тадбиркорлар делегацияси таркибида темир йўл, автотранспорт соҳалари ходимлари, автобус ва троллейбус, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини музлатиш ва сақлаш асбоб-ускуналари, маиший кимё товарлари, сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ҳамда биотиббий ва нанотехнологиялар каби тармоқларда илмий-тадқиқот ишлари ўтказадиган компаниялар вакиллари бор.

Тадбирда Польша делегацияси аъзоларига мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар хусусида атрофлича маълумот берилди. Ўзбекистон Республикасидаги инвестициявий муҳит, Польшанинг савдо-иқтисодий салоҳияти ва икки давлат ўртасидаги ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ҳолатига бағишланган тақдиротлар ўтказилди.

— Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотлардан яхши хабардорман, — дейди **Силезия Савдо-саноат палатаси раиси Ришард Тужаньский**. — Айниқса, ёш тадбиркорларга кўрсатилаётган ёрдам, хорижий инвесторлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ишлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибдорлигини янада оширади.

Бизнес-форум давомида Ўзбекистон ва Польша ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида икки томонлама музокаралар ўтказилди. Мулоқотлар якунида келажакдаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

ЎЗА.

Йўловчиларга яна бир қулайлик

Фарғона вилоятида йўловчи ташувчи корхоналар томонидан автотранспорт паркни янгилаш ва кенгайтириш, шу орқали аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда.

2015 йилнинг ўтган даври мобайнида биргина Кўкон шаҳридаги автокорхоналар томонидан 21 та «Isuzu» автобуслари, 60 дона «Кобальт», «Нексия» ва «Дамас» энгил автомашиналари харид қилиниб, шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро йўналишлар қатнови йўлга қўйилди.

Жумладан, «Investtrans» МЧЖ банк кредитлари ҳисобига 1 та автобус харид қилиниши натижасида бу ерда қўшимча 30 нафар киши иш билан таъминланди. Бугунги кунда янги автобуслар шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида қатнамоқда.

Шунингдек, «Qo'qon Taksi Servis» МЧЖ ҳам 480 млн. сўмлик кредит шартномасини имзолаб, ушбу маблағларни 6 та «Isuzu» автобуслари сотиб олишга сарфлади. Автотранспорт воситаларининг харид қилиниши 12 та янги иш ўрнини ташкил қилишга имкон берди.

Бундан ташқари, корхоналарнинг энгил автомобиллар парки ҳам мамлакатимизда ишлаб чиқарилган машиналар ҳисобига кенгаймоқда. Хусусан, 2015 йилнинг биринчи чорагида «Кўкон Карвон йўли» МЧЖ лизингга 35 та «Кобальт» ва 15 та «Нексия» харид қилиб, Кўкон — Тошкент йўналишида хизмат кўрсатишни бошлаган бўлса, «Mega Oskar Trans» МЧЖ ўз маблағларига 10 та «Дамас» русумли автомашиналарни сотиб олиб, шаҳар атрофи йўналишларига жойлаштирди.

«Туркистон-пресс» НАА.

Суратлар мозийдан сўзлайди

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Тасвирий санъат галереясида журналист Борис Голендернинг шахсий ижод тўпламига оид Ўзбекистоннинг антиквар почта открыткалари кўргазмаси очилди.

«Мозий сари» дея номланган мазкур кўргазмада Б.Голендер тўпламидаги айрим фрагментлар намойиш этил-

йиллар давомида «Технолог илмий-ишлаб чиқариш уюшмаси»нинг илмий-тадқиқот лабораториясини бошқар-

— *Шахсий тўпلام яратиш учун 50 йилга яқин вақт сарфлаб, 10 мингдан ортиқ нусхадаги открыткаларни йиғишга муваффақ бўлдим, — дейди Борис Голендер.* — Ўтмишда фотомухбирлар камерада нима кўринса, борица тасвирга тушираверишган. Бу моҳирлик нуқтаи назаридан талабларга мос келмаса-да, бугунги кун томошбинини ўтган кунлар билан таништиришда муҳим аҳамият касб этади.



ган бўлиб, уларнинг энг эътиборга молиги сифатида қадим Туркистон ўлкаси, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ҳамда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг фотосуратлари туширилган почта открыткалари қайд этилди.

Таъкидланишича, ушбу почта открыткалари «олтин аср открыткалари» даврида (1898-1918 й.) маҳаллий ва хорижий нашриётларда асл негативлардан (ҳозирда йўқ бўлиб кетган) чоп этилган.

— *Ноёб қадимий открыткалар — ҳар биримизга аллақачон тарихга айланиб улгурган ўтган кунларга қайтиш имконини беради, — дейди санъатшунос С.Рўзиева.* — Ушбу фотосуратларнинг кўпчилиги у ёки бу меъморий ёдгорлик мавжуд бўлганга гувоҳлик берувчи ягона ҳужжат. Шунингдек, ўша даврнинг бугун эсдан чиқиб улгурган моддий ва маданий буюмларини намойиш этувчи далилдир.

Б.Голендер Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)да таҳсил олган ва кимё фанлари номзоди илмий даражасига эга. У кўп

ган. Адабиётга қизиқиш уни маърифий-маданий дунёга чорлади. Чунончи, 1991 йилдан бошлаб, Ўзбекистон телевидениесида «Менинг кўчам...» номли ўлкашунослик кўрсатувини тайёрлади. Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат давлат нашриёти, «Шарқ юлдузи» журналида фаолият юритди.



Б.Голендер сценарийлари асосида 17 та илмий-оммабоп фильм суръатга олинган бўлиб, 2 таси Ялта ва Москвада ўтказилган халқаро фестивалда мукофотга сазовор бўлган. Унинг 7 та китоби нашрдан чиққан, 250 дан ортиқ мақолалари газета ва журналларда чоп этилган. Асарлари асосан Марказий Осиё санъати ва маданиятига бағишланган.

Б.Голендер коллекционерлар уюшмаси аъзоси сифатида Ўзбекистон тарихий мероси тарғиботида ўзининг ҳиссасини қўшиб, «Ўзбекфильм», «Ўзбек-телефильм» студияларига фильмлар яратишда ҳам фаол кўмаклашмоқда. Шунингдек, халқаро Тошкент фотобиенналесидан энг янги ишлар ҳаммуаллифи саналади.

2005 йилда Б.Голендер энг яхши ўлкашунослик «Тошкент» интернет-сайти учун «Олтин тақа» мукофоти соҳиби бўлган. Муаллиф мазкур кўргазмадаги асарларни яратишда «Кўҳна Тошкент» шахсий тўпламидаги материаллардан фойдаланди. Унинг намойиши жорий йилнинг 9 майига қадар давом этади.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ХАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Акмал НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

Анвар АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

Газета «Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖнинг компьютер базасида саҳифаланди

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100084, Тошкент ш.,

Ғ. Мавлонов кўчаси,

1а-уй, 3-қават.

e-mail: info@banknews.uz

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
234-43-18

телефони орқали мурожаат қилинг.

Юридик шахслар учун нашр индекси — 102.

Жисмоний шахслар учун нашр индекси — 377.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.

Кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чоп этилади.

Буюртма № 2125

Адади: 8924 нусха.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табоқда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 15.04.2015 й., 9.00.